# XALQ DEPUTATLARI ANDIJON TUMAN KENGASHI
# QARORI

2023 - yil 17 - may VI-37-43-1-16-K/23 Andijon tumani hokimligi

**Андижон туман маҳаллий бюджет даромадлар режасининг 2023 йил 1-чорак якуни бўйича орттириб бажарилган қисми ҳисобидан маблағларини йўналтириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига асосан туман ҳокимлигининг туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 1-чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми маблағларини йўналтириш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқиб, Халқ депутатлари Андижон тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 1-чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми 956 млн 077 минг (тўққиз юз эллик олти миллион етмиш етти минг) сўм миқдорида маблағлар иловага мувофиқ йўналтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими мазкур қарорнинг иловасига мувофиқ кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг параметрларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришларни киритиш;

ажратилган мақсадли маблағларни ўз вақтида ва самарали ишлатилиши юзасидан молиявий ҳисоботлар асосида тизимли ўрганиш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра, ишлатилмаган ва иқтисод қилинган маблағларни туман маҳаллий бюджетига қайтариш чораларини кўрсин.

3. Туманни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш харажатларига ажратилган маблағлар туман хокимининг тегишли қарорлари билан йўналтирилсин.

4. Туман ғазначилик бўлинмаси (А.Жураев)га ажратиладиган маблағлар бўйича шартномаларни ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш ва харажатларни белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

5. Иловага мувофиқ мутасадди ташкилот раҳбарлари ажратилган маблағларни мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминласинлар.

6. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси** **Б.Маматкаримов**

Xalq deputatlari Andijon tuman
Kengashining
2023 yil 17 maydagi
VI-37-43-1-16-K/23-son qaroriga
1-ilova

**Андижон туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 1-чорак дорамадлар режасини орттириб бажарилган қисми маблағлари хисобидан ҳудудларда Давлат дастурларини ижросини таъминлаш учун ажратилаётган маблағлар тўғрисида**

*минг.сўмда*

| № | Ташкилот номи | Маблағлар ишлатиш мақсади | Ажратилган маблағ |
|---|---|---|---|
| **x** | **Жами** | | **956 077** |
| 1 | Андижон туман ҳокимлиги | "Саховат ва кўмак" жамғармаси учун | 143 412 |
| 2 | Андижон туман ҳокимлиги | "Аёллар дафтари" учун | 143 412 |
| 3 | Андижон туман ҳокимлиги | "Ёшлар дафтари" учун | 143 412 |
| 4 | Андижон туман ҳокимлиги | "Ташаббусли бюджет" жамоатчилик фикри учун | 286 823 |
| 5 | Андижон туман ҳокимлиги | Жамоатчилик билан ишлаш бўйича ҳоким маслаҳатчилари иш ҳақилари учун | 34 633 |
| 6 | Андижон туман ҳокимлиги | "Халқпарвар" комиссиясининг аъзолари, Маътбуот хизмати ходимлари ва бошқа мутахассисларнинг ойлик иш ҳақи тўловлари учун | 41 250 |
| 7 | Андижон туман ҳокимлиги | Андижон туман ҳокимлигининг қўриқлаш хизматидан бўлган қарздорликларини қоплаш учун | 50 000 |
| 8 | Андижон туман ҳокимлиги | Туман хокимлигининг "E-qaror", интернет, почта ва архивлаш ишлари билан боғлиқ харажатлари учун | 33 000 |
| 9 | Андижон туман ҳокимлиги | Кадастр хужжатларини тайёрлаш ишлари учун | 16 500 |
| 10 | Андижон туман ҳокимлиги | Клиник ординатор Умаралиев Мухаммадали Исманали ўғлининг шартнома тўловини амалга ошириш учун | 10 385 |
| 11 | Андижон туман ҳокимлиги | Бизнесга биринчи қадам стартап ғоялари танлови бўйича ғолибликни қўлга киритган Алиханова Зиёда Шухратилла қизининг лойихаларини ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар учун | 30 000 |
| 12 | Андижон туман ҳокимлиги | Туманни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш харажатлар учун | 23 250 |